O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 31-may • Seshanba • 66 (27.401) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД

Чирчиқ шаҳрида Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари якунланди

Пойтахт вилояти бир ҳафта мобайнида юртимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келган минглаб ўғил-қизларнинг баркамоллигига хизмат қилувчи ажойиб спорт шодиёнасига мезбонлик қилди. Мамлакатимизда учинчи маротаба уюштирилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ёшларимизнинг шижоати ва иқтидори, маҳорат ва имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказди. Истиқлол йилларида шаклланган ва халқимиз ўртасида «Кичик олимпиада» деб эътироф этилган ушбу нуфузли мусобақа қизғин ва муросасиз курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтди.

Юртбошимиз мусобақа қатнашчиларига йўллаган табригида: **«... барчамиз бир ҳақиқатни теран англаб олишимизни истардим — вужудида, томир-томирида улуғ аждодларимизнинг қони жўш урган, чуқур билим ва мустақил дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайди. Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ҳаёт синовларида тобланган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқи ва юртига садоқат билан яшайдиган, унинг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қила оладиган ёшларимиз мамлакатимизни тараққиётнинг янги ва юксак босқичларига олиб чиқишга қодир бўлади»**, — деб алоҳида таъкидлади.

4-бет

ЎзХДП янгиликлари

ЕХҲТ ВАКИЛИНИНГ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Мирослав Енча ташриф буюрди. Ушбу халқаро ташкилот вакилини қабул қилган партия Марказий Кенгаши раиси Аслиддин Рустамов ва юксак мартабали меҳмон ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Марказ раҳбари бултур юртимизда бўлиб ўтган парламент сайловларида ЎзХДП эришган натижалар, парламентнинг қуйи палатасида амалга оширилаётган ишлар, партиянинг сайловдан кейинги фаолияти билан қизиқди. ХДП раҳбари Ўзбекистон сиёсий майдонида сўл қанот позицияни эгаллаган партиямиз фаолияти ҳақида тўхталиб ўтди ва унинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Шунингдек, суҳбат давомида Андижонда бўлиб ўтган воқеалар хусусида ҳам фикрлашилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси бу ҳақда махсус Баёнот билан чиқиб, давлатимиз раҳбарияти амалга ошираётган ишларни тўла қўллаб-қувватлаганлиги таъкидланди. Мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг янада ривожланишига ишонч билдирилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосарлари И.Кочмарик, М.Ельшов иштирок этдилар.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ палата депутатлари жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам сайловчилари билан кўплаб мулоқотлар уюштирдилар. Жумладан, депутат Қаҳҳоржон Ибрагимов Олтиариқ туманидаги «Ғайрат», «Полосон» қишлоқ фуқаролар йиғинларида, 13, 34-мактабларда учрашувлар ўтказди.

Депутат Анвар Бойқуловнинг ЎзХДП Денов, Узун, Қумқўрғон, Олтинсой ва Шўрчи туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, Денов туман Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек. Қонунчилик палатаси депутати 69-Денов сайлов округи ҳудудидаги «Холчиён», «Ғалаба», «Ўзбекистон», Й.Охунбобоев, И.Тўраев, Ш.Худойназаров, Ш.Рашидов номли ширкат хўжаликлари, «Шарқ» кинотеатрида сайловчилар ҳузурида бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Машкура Сафаева Қарши туманидаги Умар Баҳромов номли мактабда, Бешкент ва Қовчин қишлоқ хўжалик коллежларида, Қарши шаҳридаги «Саноатқурилиштемирйўл» минтақавий филиали, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ҳамда Чироқчи туман ҳокимлигида фуқаролар билан мулоқотлар ўтказди.

47-Регионал сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Фахриддин Ражабов Самарқанд шаҳридаги Ялангтўш, Тазар, Сўзангарон маҳаллаларида, 52, 22-мактабларда сайловчилари билан учрашди. Вилоят ҳокимлиги биносида сайловчилар учун қабул соатлари ташкил қилинди.

Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласи, 70-умумтаълим мактабида сайловчилар билан мулоқотда бўлди.

Парламент қуйи палатаси депутати Маҳмуджон Маҳкамов Учқўприк туманида сайловчилар учун қабул ташкил қилиб, уларнинг хоҳиш-истаклари, таклифлари билан ўртоқлашди. Депутат тумандаги Чорбоғ, Меҳнатобод, Учқўприк, М.Маҳкамов номли қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам аҳоли вакиллари билан суҳбатлар ўтказди.

Депутатлар сайловчиларни янги иш бошлаган Қонунчилик палатасининг фаолияти, ўтган беш ой давомида амалга оширилган ишлар билан таништирди, уларни ташвишлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, қишлоқ аҳолисининг бугунги турмуш тарзи билан қизиқди. Сайловчилар учрашувларда ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратиш, бу борада ҳуқуқий асосни мукаммалаштириш, шунингдек, коммунал хизматлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш каби масалаларни кўйдилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари фуқароларнинг 13-14 май кунлари Андижонда бир гуруҳ террорчи гуруҳларнинг амалга оширган ишлари ҳақидаги саволларига батафсил жавоб қайтардилар. Уларнинг асл мақсадлари конституциявий тузумга қарши чиқиш, одамларнинг юрагига ваҳима солишдан бошқа нарса эмаслигини тушунтириб, бу жиноятчилар албатта жазосини олишини, бўлиб ўтган воқеалар қандай содир бўлганлиги парламентда тузилган комиссия томонидан аниқланиб, халққа тўлиқ етказилишини таъкидладилар.

ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ ИШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиянинг навбатдаги қурултойига тайёргарлик ва унда қабул қилинадиган партиянинг янги Дастурини тайёрлашга доир масалалар муҳокама этилди.

Дастур лойиҳасини тайёрлаш учун Сиёсий ижроқўм қарорига биноан ташкил этилган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, аграр ва халқаро масалалар бўйича гуруҳлар иш олиб бораяпти. Ишчи гуруҳларига партия фаоллари, мутахассислар жалб этилган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси И.Кочмарик бошқарган йиғилишда ушбу кодекс ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи тарихий ва меъморий ёдгорликларни авайлаб-асраш ва муҳофаза қилиш шаҳарсозлик соҳасидаги муҳим вазифалардан эканлигига эътибор қаратилди.

Айни вақтда воҳада қурилиш қоидаларини бузиш ҳолларини аниқлаш бўйича доимий комиссия фаолият кўрсатаётир. Баъзи туманларда «Бош архитектура» бошқармаси ва «Даваркитекқурилишназорати» инспекцияси ходимлари биргаликда мунтазам равишда ўтказаётган текширишлар натижасида аниқланган ноқонуний қурилишларни тўхтатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётир.

Вилоят ҳудудларини режалаштириш лойиҳалари ва улар асосида ишлаб чиқилган аҳоли пунктларининг истиқболли бош режалари нисбатан эскирган. Улар ҳозирги давр талаб ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланиши зарур. Мониторинг ишларини юритишда ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Бу, хусусан, якка тартибда уй-жой қурилишида бош-режа интизомининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР ЭКСТРЕМИСТЛАР ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚАТТИҚ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Тошкент ислом университетида Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм ва терроризм таҳдиди муаммоларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, АҚШ, Португалия, Туркия, Украина, Швеция, Франция ва Марказий Осиё давлатларидан келган ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Лондон университети профессори Ширин Акинер хонимнинг Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 24-26 май кунлари ушбу вилоятга қилган сафари ҳақидаги ахборотини тингладилар.

Ш.Акинер ўз хулосалари мазкур воқеалар шоҳиди бўлган бир қанча гувоҳлар — маҳаллий аҳоли, давлат ва жамоат идоралари вакиллари ҳамда ўз ихтиёрига кўра жазони ўташ жойига қайтиб келган маҳкумлар билан ўтказилган суҳбатларга асосланганини таъкидлади. Буюк Британиялик олима ушбу сафардан сўнг унда Андижон воқеалари ҳақида холис тушунча пайдо бўлганини қайд этиб, ҳукумат идораларининг вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширган зарур чораларига ижобий баҳо берди.

Эксперт фикрига кўра, бир гуруҳ қуролланган шахсларнинг Андижондаги ҳунрезликлари пухта ўйланган, баъзи ташқи кучлар томонидан қўллаб-қувватланган қўпорувчилик эканини ҳарбий қисмлар ва давлат муассасаларига қуролли ҳужум уюштирилгани ҳам тасдиқлайди.

Бунда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг воқеаларни «қирғиз сценарийси»га ўхшаш ҳолда тақдим этишга интилаётгани ҳам кузатилмоқда. Жумладан, Россия НТВ телеканалининг гўёки Пахтаобод туманида «намойишлар» ўтказилгани ҳақидаги хабарлари ҳақиқатдан йироқ экани ва у ерда ҳеч қандай чиқишлар бўлмаганини маҳаллий аҳоли, жумладан, Андижон вилоят касалхонаси бош врачининг сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Баъзи оммавий ахборот воситаларининг содир бўлган воқеаларнинг иқтисодий ва диний сабаблари ҳақидаги иддаолари ҳам хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Зеро, Ш.Акинер хонимнинг таъкидлашича, жангариларнинг хатти-ҳаракатлари маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмади. Чунки Андижон вилоятида бу каби жараёнларни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шароит мавжуд эмас. Маҳкумларнинг асосий қисми ўз ихтиёри билан қамоқхонага қайтиб келгани бу кучларнинг ғаразли мақсадлари ҳатто жазо муддатини ўтаётган шахслар томонидан ҳам инкор этилганини исботлайди.

Шунингдек, баъзи хорижий матбуот ва «ҳуқуқларвар» ташкилотларнинг 13 май куни ҳалок бўлганлар сони ҳақидаги уйдирмалари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунончи, чет эллик олима вилоятдаги 20 та қабристон ҳамда тиббий муассасаларда бўлиб, қурбонларнинг ҳақиқий сони 170 га яқин экани ҳақида аниқ хулосага келган.

Давра суҳбатида «қочоқлар» масаласига ҳам эътибор қаратилди. Уларнинг орасида турли тоифадаги шахслар, жумладан, қуролли қўпорувчилик ҳаракатларининг бевосита иштирокчилари ҳам мавжудлиги эътироф этилди.

Тадбирда барча саволларга аниқ рақам ва далиллар асосида жавоб қайтарилди. Хорижий мутахассислар ўз чиқишларида республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислоҳотларга ижобий муносабат билдириб, ҳукумат томонидан диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишга интилаётган баъзи оммавий ахборот воситаларини қаттиқ қоралаб, ушбу «ахборот уруши»да Ўзбекистон мавқеини холис ҳимоя қилаётган Ш.Акинер хулосаларига тўла қўшилишларини таъкидладилар.

(ЎзА)

АДАШГАНЛАР ҚАЙТИБ КЕЛИШМОҚДА

Ҳаёт сабоқлари инсонни ўз хатосини англашга, адашиб кирган йўлидан қайтишга ўргатади. Андижон воқеалари содир этилганда тасодифан ёки жангарилар тазйиқи билан мамлакатимиздан чиқиб кетган фуқароларга давлатимиз бағрикенглик билан муносабатда бўляпти. Юртга қайтиб келаётганларни кутиб олиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Андижонда жангари тўдалар қуршовида Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб кетилган фуқароларни қабул қилиш бўйича вилоят комиссияси тузилди. Шунингдек, ўз ихтиёри билан қайтиб келувчилар учун Пахтаобод туманидаги Бараж қишлоғида махсус жой ташкил этилди. Қайтиб келаётганлар бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини вакилларига, ота-оналарига топширилмоқда. Куни кеча яна бир гуруҳ фуқаро кутиб олинди.

Андижон туманидаги Қўрғонча қишлоғида яшовчи, 20-мактабнинг 9-синфини битириб, косибчилик қилиб юрган Раҳимберди Маҳмудов ўртоқлари билан майдонга томоша қилиш учун борган ва оломон ичида қолиб кетиб, тўс-тўполонда Қирғизистон Республикасига ўтиб кетган.

— Ўша жойга томошага чиққанимдан пушаймонман, — деди у кўз ёшларини тўхтатолмай. — Оломоннинг ўртасида қолдим, чиқиб кета олмадим. «Отамиз» деб қўрқитишди, қўрққанимдан кетавердим. Ота-она, юрт қадрини ўша ерда билдим.

— Давлатимизга минг раҳмат, — дейди Раҳимбердининг отаси Раҳматулла Мамарасулов. — Боламизни бағримизга қайтарди. Мен боламни бу мақсадда ўстирмагандим. Бепарво бўлиб қолибман. Боламни топиб, дарагини эшитиб, кўзимга кўзи тушганида, кўнглимдан қандай хаёллар ўтганини ўзим биламан. Ҳеч банда йўлдан адашмасин...

Ўша куни Андижон шаҳридаги «Шодлик» маҳалласидан Давлат Алимов, шимолий кичик даҳадан Азизбек Сатторов, «Қўшарик» даҳасидан Нурилло Парпиев, «Қизил шарқ» кўчасидан Искандар Қамбаров ва бошқалар ҳам қадрдон маҳалласи, ота-онаси бағрига қайтдилар. Уларнинг кўзларидан қуйилаётган ёшлар адашганликларини англаганлари, афсуслари ифодаси эди, назаримизда.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
Аҳмадилло СОЛИЕВ

БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

Андижонда юз берган нохуш воқеаларга барча юртдошларимиз ўз муносабатларини билдириб, уни ташкил қилган экстремист гуруҳлар, ақидапарастларга ўзларининг нафратини очиқ билдирмоқда. Куни кеча Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида «Биз терроризмга қаршимиз!» шиори остида ўтган йиғинда ҳам бу яққол намоён бўлди. Унда сўзга чиққан қатор маҳаллаларнинг оқсоқоллари бир гуруҳ ақидапарастларнинг Андижонда содир этган ҳунрезликлари маҳалла аҳли томонидан қаттиқ қораланаётганлигини айтди. Иштирокчилар «Ватанимиз тинчлигини сақлаш аввало маҳаллалардан бошланади, биз доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим», деб таъкидлади.

Қодир ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» маҳалласи фаоли, ЎзХДП аъзоси

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Муносабат

ХОМХАЁЛДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС

Халқимиз ўтган ҳар бир кунидан хулоса чиқариб яшашга одатланган. Бугун Андижон воқеалари барчамизни фикрлашга, уни содир этганларга нисбатан муросасиз бўлишга ундайди. Таҳлиллар жараёнида ушбу террорчилик ҳаракатларини «Акромийлар» деб аталувчи диний оқим вакиллари амалга оширганлиги маълум бўлди. Шу ўринда «Акромийлар» ўзи ким эканлиги, қандай ғояларни илгари сураётганлигидан ҳар бир юртдошимиз огоҳ бўлиши лозим. Биз мазкур масала юзасидан Тошкент ислом университети Ислом ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙга мурожаат қилдик.

— «Акромийлар» 1997-1999 йиллари Фарғона водийсида вужудга келган диний-сиёсий гуруҳ бўлиб, унинг тарафдорлари фақат Аллоҳгагина ишониб, пайғамбарга иймон келтирмайдилар. Улар давлатга, мавжуд қонунчилик тузумига, ҳатто ота-онага бўйсунмасдан, фақат оқим раҳбарларига итоат қилиш керак, деб биладилар.

«Акромийлар»нинг ғояси ва фаолияти «Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар» (З.Хуснидинов, Мовароуннаҳр, Тошкент, 2000) номли китобда муфассал берилган. Унга кўра, унинг асосчиси 1963 йил Андижон шаҳрида туғилган Акром Йўлдошев ханбалий мазҳаби, ваҳҳобийлик оқими таълимотига таяниб 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Унда оқимнинг асосий мақсади — «ислом давлати»ни қуришдан иборат эканлиги таъкидланган.

Улар одамларни ўз гуруҳига аъзо қилиб олиш ва тарбиялашни беш босқичли дастур орқали амалга оширишни мақсад қилганлар. Уларга кўра токи халифалик ўрнатилмас экан, ҳеч бир мусулмон намоз, рўза, закот ва ҳаж ибодатларини бажаришга мажбур эмас, деб ҳисоблайдилар. Исломда ман қилинган «никоҳи муваққат», яъни вақтинча никоҳ ёки мутъага рухсат берадилар. Уларнинг эътиқодлари ваҳҳобийлик каби ислом шариатининг асосий қоидаларига бутунлай қарши туради. Ваҳҳобийлар ҳам ўз оқимларидан ташқари ҳеч қандай мазҳабни тан олмайдилар.

Бугунги кунда «Акромийлар» тузмоқчи бўлган «исломий давлат» нимадан иборат деган савол туғилади. Аввало ислом давлати деганда, давлат ва унинг бошқарувини, ички ва ташқи сиёсатни дин раҳбарлигини даъво қилган кимсалар истакларига мувофиқ белгилаб, уларнинг назорати остига қўйиш тушунилади.

Тарихан маълумки, мусулмон мамлакатлари, айниқса, Хулафои Рошидин (ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Али)дан кейин ҳеч қачон дин арбоблари давлат раҳбарлиги ўрнида ҳукмронлик қилмаганлар. Халифалар, амирлар ва султонлар давлатнинг барча соҳаларини ўз ихтиёр ва иродалари билан бажариб келганлар, мамлакатни идора қилишда дин арбоблари иштирокисиз турли-туман қонунлар ишлаб чиқиб амалга оширганлар.

Дунёвий давлат фақат халқ иродаси асосида ташкил этилиб, дин давлатдан ажралган ҳолда, ўзининг мустақил ташкилотларига эга бўлади ва давлат ишига, ўз ўрнида давлат ҳам диний муассасалар фаолиятига аралашмайди. Ҳар икки томон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари қонун асосида олиб борилади. Бундай тузумни Туркия, Миср ва Ҳиндистон каби дунёвий давлатларда яққол кўриш мумкин.

Бугун турли диний экстремистик оқимлар вакиллари томонидан илгари сурилаётган «хилофат» ёки халифалик пайғамбаримиз вафотларидан кейин шаклланган давлатнинг номи эди. Уларнинг ўрнига «халифа», яъни ўринбосар тайинлаш зарурати юзага келди. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али халифа қилиб сайландилар. Халифалик даври қисқа эди, пайғамбаримиз уни ўттиз йилдан ошмайди, ундан кейин подшоҳлик бўлади деган эдилар. Ушбу башорат мўъжизавий тарзда амалга ошиб, 30 йилдан сўнг Ҳазрат Али вафотидан кейин Муовия ибн Абу Суфён орқали халифаликдан подшоҳликка ўтилиб, давлат ҳокимияти авлоддан-авлодга мерос қоладиган бўлди.

Диний экстремистик гуруҳлар даъво қилганидек, Хулафои Рошидиндан кейин ҳеч қачон ягона халифалик бўлмаган. Бир вақтнинг ўзида учта халифалик (номи халифалик, лекин моҳияти меросга асосланган монархия) мавжуд эди. Яъни, Андалусия (Испания)да Уммавийлар халифалиги, Миср ва Шимолий Африкада Фотимий шиалари халифалиги, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда Аббосийлар халифалиги мавжуд бўлган.

Қисқаси, «Ҳизбут-таҳрир»чилар идеаллаштириб кўрсатаётган «халифалик» ҳеч қачон ислом динининг асосий қоидаларидан бўлмаган ва бўлолмайди ҳам. Ҳозирги замонда «халифалик» ғояси амалга ошиши мумкин бўлмаган хомхаёлдан бошқа нарса эмас.

Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА ёзиб олди.

МАРДЛАРНИ ХАЛҚ ҚАДРЛАЙДИ

... Заминимиз узра қуёш заррин нурларини сочади. Оламга тафт улашиб, одамларга меҳр таратади. Порлоқ қуёш — тинчлик тимсоли, она-Ватан осойишталиги рамзи. Осмони мусаффо юртнинг иқболи ҳамиша баланд, тинчликни қадрлаган халқнинг эса ўтмиши-ю келажаги ибратга тўлиқ.

Бир гала юртбузарлар қўлига қурол олиб тинч осмонимиздаги қуёшга чанг солмоқчи бўлдилар. Лекин ёвузлар ҳеч қачон ниятига етолмайдилар. Ўзлигини англаган халқимизни ёвузларнинг қабиҳ ниятларига қарши ўлароқ, боқий анъаналари мавжуд.

ЙИГИТЛАРГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Қадрдонларимдан бири республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят бўлимида даволанаётганди. Уни кўргани бордим. Андижон шаҳридаги нохуш воқеалар сабаб беморларни кўргани келганлар ичкарига қўйилмаяпти. Лекин уларнинг совға-саломларини ҳамширалар етказиб беришмоқда. Дўстимиз билан дийдорлаша олмасак-да, унинг аҳволи яхши эканлигини эшитиб кўнглимиз ёришди. Қайтаётганимизда юртдошларимизнинг ибратли фазилатларига гувоҳ бўлиб, қалбимиз тўлқинланди.

— Сизлар кимнинг олдига келгандингиз? — деб сўради ҳамшира кираверишда турган икки қиздан.

— Қандай деб тушунтирсам экан, — иккиланиброқ гап бошлади улардан бири ёнидагисига қараб.

— Тўғрисини айтамиз, — дея жавоб қилди шериги, — опажон, тинчлигу кишилар ҳаётини сақлайман деб жароҳатланган мард йигитларга шу гулларни бериб қўйсангиз. Улар бизларни деб кўксини қалқон қилишди, ҳаётларини хавф остига қўйишди. Шифо топишсин, тезроқ оиласи, ёру дўстлари даврасига қайтишига тилакдошмиз.

ИССИҚ НОН

Оддий кийинган киши ҳамширага юзланди:

— Синглим, ким экан, деб ўйламан, асакалик Оқўўл Икромовман. Андижон воқеаларини эшитиб, ўйда ўтиролмадим. Шу иссиқ нонларни тинчлигимизни ҳимоя қилган йигитларимизга олиб келдим. Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўришар...

Юрак сўзларини айтган Оқўўл новвой қийиқчага тугилган иссиқ нонни ҳамширага узатди.

ДУО

Шаҳрихон туманидаги Қўшқўноқ қишлоғида Назира буви Бойназарова истиқомат қилади. Табаррук момо фарзандлари, набиралари, маҳалладошлари ардоғида.

— Худога шукр, 105 ёшга етдим. Кўп оғир кунлар бошимиздан ўтган. Очарчилик йиллари, уруш.... Турмуш ўртоғим жангдан қайтмади. Яхши кунларнинг, энг аввало тинчликнинг қадрига етиш керак. Андижон шаҳрида бўлган воқеаларни эшитиб тавба дейман. Қандай инсонларки, ўқ отиб, бегуноҳ кишилар умрига зомин бўлишса. Кўпчиликнинг меҳнати билан қурилган биноларни вайрон қилишса. Мен энди ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлганман. Ўзимни эмас, набираларимни, болаларимни ўйлайман. Элимиздан оқибат кўтарилмасин. Уруш бўлмасин, — дея қўлларини дуога очди онахон.

Улуғ ёшли онахоннинг дил сўзлари юртга, юртдошлар меҳрига йўғрилганлиги, ёвузларга нисбатан нафратга тўла эканлигидан таъсирландим. Дарҳақиқат, соғлом фикрли кишилар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам холис баҳолай биладилар. Мардларни халқ ҳамиша қадрлайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Навоий шаҳар партия кенгаши вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган давра суҳбатини ўтказди. Унда вилоят ҳамширалар уюшмаси раиси, ЎзХДП аъзоси М.Муродова, 1-поликлиника жамоасидаги БПТ котиби ҳамшира Ю.Қодирова, вилоят болалар шифохонаси БПТ етакчиси ҳамшира С.Нуралиева сўзга чиқиб, партиямизнинг мақсад-муддаоси, биз суянадиган ижтимоий қатлам ҳамда ЎзХДПнинг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини бажаришдаги иштироки ҳақида тўхталди.

Учқўприк туман кенгаши шу ердаги «Зиё» иқтисодиёт лицейи, 1-сон иқтидорли болалар интернати ҳамда Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинида бир гуруҳ фаолларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказди. Уларда Андижонда юз берган воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида сўз борди.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг тарих ва ҳуқуқ факультетида ҳам Андижон шаҳридаги воқеаларга бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда университет профессори А.Сотликов, вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси Ф.Худайберганов бу воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари, ёшлар тарбиясига эътиборни янада ошириш ҳақида фикрлар билдирдилар. ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Р.Сабуров Андижон воқеаларини баъзи хорижий ОАВ вакиллари нотўғри талқин этаётганлиги ҳақида гапирди.

Қўқон шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан барча бошланғич партия ташкилотларида Андижонда юз берган воқеаларга бағишланган «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида суҳбат ва учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда партия фаоллари, ЎзХДПдан халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашига сайланган бир гуруҳ депутатлар фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропЭйд дастури доирасида «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш» лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди ҳамкорлигида «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: халқаро тажриба» мавзуида халқаро конференция ташкил этилди.

Анжуманда дастлаб Тошкент давлат юридик институти доценти Г.Тансиқбоева «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт» мавзуидаги маърузасида ислоҳотларни амалга ошириш тамойиллари ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг Париж суди раисининг ўринбосари, халқаро эксперт, жаноб М.Тавенернинг (Франция) «Францияда суд-ҳуқуқ ислоҳоти: мавжуд тажриба таҳлили» маърузаси қизиқиш билан тингланди.

Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов «Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг самарадорлиги масалалари» мавзуидаги маърузасида Ўзбекистонда суд тизими мустақиллигини кучайтириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигига эришиш борасида қилиниши зарур бўлган масалаларга тўхталиб ўтди.

Конференцияда профессор, халқаро эксперт, жаноб Д.Кантругалос (Греция) «ЕИ давлатларидаги парламентлар ва уларнинг суд ислоҳотларини амалга оширишдаги ўрни», профессор, халқаро эксперт жаноб К.Контиадис (Греция) «ЕИ давлатларида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва янги йўналишлар: Греция Республикаси мисолида шарҳ» мавзуида маъруза қилди.

Республика Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М.Азимов «Тадбиркорлик субъектларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари»га алоҳида тўхталган бўлса, ТДЮИ доценти Е.Никифорова маърузаси «Судгача бўлган жараёнларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: янгича ёндашувлар»га бағишланди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЭЛЕКТРОН АТС — АХБОРОТ АЙИРБОШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ВОСИТА

«ЎЗИ» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

— **Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди,** — деган эди Президент Ислом Каримов «2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. — **Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси анча ортгани ҳам шундан далолат беради...**

Бу борада кейинги йилларда Жиззах вилоятида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида, хусусан, «ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Жиззах филиалида қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

Филиал жамоаси мулкчилик шаклидан қатъий назар, Жиззах шаҳри аҳолисига ва барча хўжалик субъектларига телекоммуникация хизмати кўрсатиб келади. Шаҳарда телекоммуникация боғланмалари ҳамда бўлинмалар изчил ишлаб турибди. Филиалнинг асосий хизмат турлари маҳаллий ва шаҳарлараро телефон, телеграф алоқаларидан иборат. Эндиликда бу ерда уяли телефон алоқаси ва интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ҳамда фирмалар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги технологиялар яратиш ва уларни жорий этиш йўлида самарали изланишлар бўлмоқда. Энг муҳими, асосий эътибор — телекоммуникациянинг жаҳон стандартларига мос, энг сўнгги ютуқларидан унумли фойдаланишга қаратилаётир.

Ҳозир биргина Жиззах шаҳрида олтита станция фаолият кўрсатмоқда. Уларга Хитойнинг «Хуавей» компанияси электрон рақамли қурилмалари ва Японияннг «NEK» компаниясида тайёрланган аппаратлар ўрнатилган.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг айни шу борадаги қарори эълон қилингандан буён қарийб уч йил вақт ўтди, — дейди **«ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси Жиззах филиали раҳбари Асрор Фозилов.** — Ҳар икки ҳужжатда ҳам белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши — бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий идораларига, иқтисодиёт ва маданият соҳаларига ҳам даҳлдор. Айниқса, бизнинг соҳамиз вакилларига кўпроқ таллуқли. Президентимиз Фармонидаги **«Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларига уларнинг кириб боришини таъминлаш... биринчи галдаги муҳим вазифалардан ҳисоблансин»,** деган жумлалар зиммамизга катта масъулият юклайди.

Дарвоқе, бугунги кунда замонавий ахборот тармоқларига уланиш истаги ҳам, зарурияти ҳам тобора кучаймоқда. Ваҳоланки, интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари яхши натижалар бериши, шаксиз. Шу нуқтаи-назардан хорижий шериклар билан ҳамкорликда шаҳар телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва ривожлантириш бўйича истиқболли ишлар бошланди. Шаҳар марказида қурилиб ишга туширилган «Интернет кафе» хизматидан одамлар унумли фойдаланмоқдалар. «Интернет» бўйича кўпчилик ташкилотларга хизмат кўрсатилмоқда.



Буларгина эмас, Жиззах шаҳридаги Тошлоқ ва Наврўз маҳаллаларида янги сўзлашув бўлимлари очилди. Электрон АТСларда қўшимча хизмат турлари жорий этишга киришилди. Айни пайтда бундай хизмат турларидан фойдаланувчи абонентлар сони 2581 нафарга етиб, қўшимча хизмат турларидан йил давомида 9742,9 минг сўм даромад олинди.

Филиалда аҳоли ва ташкилотлардан телефон ўрнатиш учун берилган ариза ва шикоятлар ҳам баҳоли-қудрат ижобий ҳал этилмоқда. Тўғри, аризалар ҳаддан ташқари кўпайиб, барчасига ҳам ечим топиш бироз қийин кечмоқда. Масалан, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра қониқтирилмаган аризалар сони 540 тани ташкил этиб, 2004 йил 1 январига нисбатан улар икки баравар ошиб кетди. Ҳозир 709 тага етди. Бунга асосий сабаб — электрон АТСларда ҳозиргача ишлатилиб келинган сиғими аллақачон юз фоизга етган. Насиб этса, бу йилдан бошлаб улар сиғимини кенгайтириш мўлжалга олинган.

Жиззах шаҳри алоқа бўлимларини (улар 13 та) тўла телефонлаштириш ниҳоясига етди. Яқинда Халқобод маҳалласида ҳам янги сўзлашув пункти очилди. Аввалларида Жиззах шаҳрида абонентлик ва шаҳарлараро сўзлашувлар учун тўловлар фақатгина марказий телефон станциясида ташкил этилган эди, холос.

Ҳозирги кунда эса аҳолига қулайлик яратиш мақсадида шаҳардаги мавжуд барча АТСларда, марказий сўзлашув пунктлари ва барча алоқа бўлимларида мижозлардан абонентлик ва шаҳарлараро сўзлашувлар учун тўловларни қабул қилиш шаҳобчалари ташкил этилган. Мавжуд ускуналар ва жиҳозларнинг бенуқсон ва хавфхатарсиз ишлашини таъминлаш учун узатувчи шкаф-қурилмалар (110 та)нинг барчаси қулф-калитга олиниб, сигнализация остига қўйилди. Мавжуд 1537 та алоқа қудуқларининг усти беркитиб чиқилди. Бунинг учун янгидан 200 дона бетон қопқоқлар тайёрланди.

Оптик толали кабел учун диаметри 0,32 миллиметрли полиэтилен қувурлар ва 4,5 километр масофага шиша толали кабеллар ётқизилди. Натижада мижозларнинг тегишли манзилдаги алоқалари сифати янада яхшиланди.

Телекоммуникация тармоқларини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам доимий профилактик ишлар олиб борилмоқда. Алоқа қувурлари ўтган кўчалар атрофида яшовчи хонадон эгалари билан **«Телекоммуникация тизимлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»**га риоя этиш юзасидан тушунтиришлар олиб борилди, қурилиш жараёнлари билан боғлиқ идоралар ва ташкилотларга огоҳлантириш хатлари берилди. Телекоммуникация тармоқлари ускуналари, жиҳозлари ва кабелларнинг ўғирланиши ёхуд кесиб кетилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида шаҳар ИИБси билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 2004 йил давомида алоқа линияларига шикаст етказиш ва ўғирланиш ҳолатларини қайд қилиниши учта ҳолатда содир бўлиб, айбдорлар тегишли равишда жазоланди. Етказилган 2375092 сўмлик зарар имкон қадар қопланди. 2005 йилнинг ўтган ойларида ҳозирча бундай ҳодисалар рўй бергани йўқ.

Шунингдек, жорий йил бошидан буён 280 та хавфли кесишма қисмлар бартараф этилди. АТС, аккумулятор хонаси, шаҳарлараро каналлар бўлими ва кросс хоналарида ёнғиннинг олдини олиш мақсадида ўрнатилган сигнализация ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан шартномалар тузилиб, улар ижроси қатъий назорат остига олинган.

«Ўзбектелеком» АК раҳбарияти ёрдами билан «Зомин» туманида жойлашган «Алоқачи» болалар оромгоҳининг учта ётоқхонаси томи шиферланди ва айрим ҳолларда электр энергиясининг ўчиб қолиши эҳтимоли борлиги муносабати билан оромгоҳга дизель генератори ҳам ўрнатилди. Трансформаторлар хавфсиз жойларга кўчириб ўтказилиб, ободончилик ишлари филиал ишчи-ходимлари томонидан ҳашар йўли билан бажарилди. Оромгоҳда бу йил икки навбатда филиал ишчи-хизматчиларининг 210 нафар фарзандларидан ташқари «ЎзИ-Самарқанд» филиали, «Жиззахтелеком», «Ўзбекистон почтаси» Жиззах филиали жамоалари ходимларининг болалари ҳам мириқиб дам олишади. Шунингдек, 2-АТС биносига қўшимча бино қурилиб, унда сўзлашув маскани ишга туширилди. Монтёрлар уйи, абонентларни қабул қилиш хоналари ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси давлат бюджети ҳисобидан эмас, балки хўжалик имкониятлари асосида бажарилди.

Бир сўз билан айтганда, филиал нуфузи «Ўзбектелеком» АК ва «ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси доираси тизимида тобора ошиб бормоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Жиноятга жазо муқаррар

ЎРГИМЧАК ТЎРИ

ЁКИ ХИЗМАТ ВАЗИФАСИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ, СОХТА ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ЭТГАНЛАР ҲАҚИДА

Ўргимчак тўрига эътибор берганмисиз. Пана-пастқам, моғор босиб ҳавоси димиққан жойда ўргимчак ин қуради. Унга тушган жонзот унинг қурбонига айланиши турган гап.

Ҳаётда ҳам ана шундай муҳит бор жойда ноҳалол, нияти бузуқлар дарҳол топишиб, бирлашади. Ўргимчак ўзига тўр тўқиб, охири чорасиз қолганидек, улар ҳам жиноят «тўри»ни тўқишади-да сўнг, ундан чиқиб кета олишмайди.

Ўктам Рашидов «Бухоро нефть базаси» унитар корхонаси директори. Ўзига яраша обрўси бор эди. Кирганда-чиққанда, ўтганда-қайтганда саломни қуюқ қилишарди. Ҳозир унга муносабат ўзгарган. Илгариги юриш-туриши қаёқда? Қадамидан ўт чақнарди-я. Бир имо қилса ўнтаси югуриб келарди. Бугунчи? Йигит кишидан омад кетмасин экан. Оёғи бир тойгандан кейин ўнгланиш қийин.

Халқнинг ибораси билан айтганда, Ўктам Рашидов ишининг «миси» чиқиб қолди. «Мойли» жойда ишлаган айрим кишиларнинг кўзини ёғ босади, деганлари рост бўлиб чиқди. Бўлмаса, Ўктам Рашидов бир тўда ҳамтовоқлари билан ҳужжатларни сохталаштириб, катта миқдордаги мулкни талон-торож қилармиди? **Текширувларда 247.000.000 сўмдан ортиқ камомад чиққан.** У бир кунда пайдо бўлмаган ва бу талон-торожликларни фақат Ўктам Рашидовнинг бир ўзи қилган эмас. Корхонанинг молиявий фаолияти ҳужжатли тафтиш қилиниб, сўроқ бошланганда барчасига ойдинлик киритилди.

Хуллас, «Бухоро нефть базаси» унитар корхонаси директори Ўктам Рашидов, директор ўринбосари Илҳом Турдиев, корхонанинг нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш цехи катта оператори Қодир Тўраев, бош ҳисобчи Манноб Жалолов, нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш цехи катта оператори Шуҳрат Ихтиёров, «Gold Seven» хусусий фирмаси директори Илҳом Жабборов ва бошқа бир неча шахслар ўзаро жиноий тил бириктиришган.

2

Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, нефть маҳсулотлари олаётган корхона ва ташкилот ҳамда фирмалар дизель ёнилғиси учун 30 фоиз, автобензин учун 100 фоиз олдиндан пул тўлагандан кейин берилиши кўрсатилган бўлса-да, улар ҳеч иккиланмай 208,2 тонна бензин ва 276,4 тонна дизель ёнилғисини бериб юбориб «ҳотамтойлик» қилишганини қандай тушуниш керак? Хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганларига яна бир далил: Нефть маҳсулотларини тарқатиш (реализация) вақтида расмийлаштирилиши керак бўлган ҳисоб варақ фактуралари 3631 ҳолатда тўлдирилмаган. Сохта ҳужжатлар билан кўрсатилмаган автотранспорт хизмати учун хусусий фирма ва корхоналардан маблағлар ундирилгани-чи?

— Мен, — дейди директор ўзини оқламоқчи бўлиб, — камомад борлигини билмаганман. Камомад учун Қодир Тўраев жавоб берсин...

Ана, холос.

Қодир Тўраев «қаҳрамонлиги» ҳақида тўхталишдан олдин мазкур корхонада оператор бўлиб ишлаган Азиза Атоеванинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ.

— Менинг вазифам ишончнома ва директор Рашидов Ўктам, директор ўринбосари Турдиев Илҳомлар рўйхати асосида истеъмолчиларга бериладиган ёнилғи учун ҳужжатларни расмийлаштириш киради. Улар томонидан ҳар куни кимга, қанча миқдорда бензин бериш кераклиги ҳақида рўйхат бериларди...

Бу гаплар ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Қодир Тўраевнинг вазифаси нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш. Катта оператор, катта лавозим эгаси. Унинг йўлини пойлаб, илтимос қилувчилар қанча! Қодир Тўраевнинг «Шарқ Юлдузи» хусусий корхонаси директори Ваҳобжон Пўлатовга

3

ўхшаган кимсалар билан битта юк хати орқали икки-уч мартагача бензин олиб чиқиш «кашфиёти»га терговчилар ҳам «тасанно» айтишди. Қодир Тўраевнинг барча қилмишларини санаб ўтирмай ўзи айтган мана бу гапларига қулоқ тутсангиз, афти-ангори маълум бўлади-қолади.

— **Ҳар ойда нефть базадан сотилаётган 2-2,5 минг тонна бензинга 50 тонна атрофида дизель ёнилғиси аралаштириб сотганмиз. Бунда ҳар литрдан 100 сўмдан фойда олардик. Ҳақиқатан ҳам 247.000.000 сўмдан ортиқ камомад қилганмиз ва зарарни тўлиқ тўладик...**

Масъул шахслардан яна бири — корхона директори ўринбосари Илҳом Турдиев ҳам қатор қинғир ишларга қўл урганлиги фош бўлди. Жумладан, у катта оператор Қодир Тўраев билан келишган ҳолда битта юк хатидан қайта-қайта фойдаланиб, катта миқдорда бензинни олиб чиқиб кетган. Сохта ҳужжатлар, сохта юк хатлари, камомад... Буларнинг бари Ўктам Рашидов бошчилигида, Қодир Тўраев, Илҳом Турдиев, Манноб Жалоловларнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида содир бўлган. Дарвоқе, Манноб Жалолов ҳақида. У «Бухоро нефть базаси» унитар корхонаси бош ҳисобчиси сифатида корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилувчи масъул шахс. Бироқ Манноб Жалолов ҳам шериклари сингари айбни ўзидан соқит қилмоқчи бўлди. Биргина рақам. **Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг солиштирма оғирлиги ошириб ёзилганлиги туфайли истеъмолчилардан 35.000.000 сўмлик маҳсулот уриб қолинган. Қолаверса, расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилган.**

Бухородаги «эртак»ка шу ерда нуқта қўйиб, Тошкентда бўлган «ҳангома»га ўтсак. Негаки, битта тизимнинг иккинчи бир корхонасида бўлган воқеалардан эҳтимол, кўпчиликнинг хабари йўқдир.

4

Бугун — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

КАШАНДАЛИК КАСРИ

Яқинда танишимиз ўғилини уйлантирди. Баҳор ҳавоси, камчиқимгина қилиб тўйни уйда ўтказишди. Келин-куёв талаба эмасми, меҳмонлар ҳам асосан ёш йигит-қизлар. Куй-қўшиқ авжида. Бир маҳал куёвнинг дўстлари табрик сўзи олишди-да, даврага 8-10 нафар йигит-қиз тизилди, қўлларида қадаҳ, ичидан дадилроғи чиқиб, ёндирилган сигаретини босиб тортди-да: «Икки ёш бахтли бўлишсин» деди. Сўнг улар доира қуриб биллур қадаҳларни чўқиштиришди. Бояги йигит «шўхидан бўлсин» дея сигарет тутган чап қўлини ҳавода ўйнатди: «Лезгинка!» 3-4 нафар йигитнинг қўлида сигарет, қизлар билан рақсга тушиб кетишди. Тезда уларнинг боши узра туман суза бошлади, чангми, тутунми, аралаш-куралаш бўлиб кетди.

Тўйчилик, хурсандчилик, бир чеккаси улар меҳмон, «Бу нима қилиқ?» дейишга одам андиша қилади. «Тўй-тўй-да!» кўнглимдан ўтказдим.

Хотин-халаж, даврадаги меҳмонлар, мезбонлар ўзларини бе-

парво тутишарди. Балки менга шундай туюлгандир. Бир пайт оппоқ соқолли мўйсафид туриб, тўйбошини ёнига имлади: «Болам, бу отчопар эмас, тўй, меҳмон атойи худо дейдилар. Бу нимаси? Ёш нарса, лабига папирос қўндириб...» деди. Тўйбоши гуноҳкорона елка қисиб: «Отахон, ҳозир чекма деган билан бир нарса ўзгарармиди? Уй эгалари яхши ниятда тўй қилган, қайтанга кўнгил хиралик. Ахир улар ёш, нима наф, нима зарарлигини қаёқданам билсин?» деди. Отахон бошини сарак-сарак қилганича кетди.

«Улар орасида болам йўқмикан?» Онги-шууримга қуюндай урилган фикрдан, вужудим жунжикиб кетди.

Наҳотки бу ёшлар нима наф, нима зарарлигини билишмаса? Шундай саволни ўзимга бердим. Катталар-чи, билишадими?

Дарҳақиқат, чекишнинг зарари ҳақида биз катталар кўп гапирамиз. Бир қарашда «чекма, соғлиққа зарар» қабилидаги гапларнинг сийқаси чиққандай кўринади. Лекин гап инсон, айниқса, фарзандларимизнинг саломатлиги устида борганда, масалага жиддий қараш лозим бўлади. Келинг, шу ўринда яна бир бор сигаретнинг соғлиғимизга зарари ҳақидаги фактларни эслайлик.

Кашандалик бугунга келиб инсоният саломатлигига хавф солувчи жиддий омилга айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотига қараганда, ер юзида 1,8 миллиард одам чекаркан. Бу 6 миллиарддан ошиқ дунё аҳолисининг 26 фоизи чекишга гирифтор, деганидир. Чекиш оқибатида йилига 4 миллион ёки ҳар 8 сонияда битта инсон ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, 2020-2030 йилларга бориб 10 миллион киши чекиш қурбонига айланиши мумкин.

Одатда, чекишнинг зарари ҳақида бонг урамизу, чамаси ўзимиз киши билмас унга болаларда қизиқиш уйғотаётганимизни сезмай қоламиз. Эсланг, детектив фильмларнинг бош қаҳрамонлари, изқуварлар «муҳим топшириқ» олдидан мириқиб сигарет тортади ёки баъзи машҳур қўшиқ клипларида ошиқ ҳижрон аламини папиросдан олади, хиёнаткор ёридан айрилган йигит бўм-бўш юраги тарс ёрилгудай сиқилса «ичини тутунга тўлдириб» таскин топади. Аёллар-чи? Аёл ҳам гўё ҳаётдан лаззатланиб, лабига заҳриқотилни қўндиради...

Олимлар тамаки тутуни таркибида инсон соғлиғи учун хатарли бўлган 400 га яқин модда борлигини, шундан 20 тури ўта хавфли зарарли моддалар эканлигини аниқлашган. Уларнинг бир қисми газ ҳолида (винил хлорид, уретон, никотин, пероксид ва бошқалар), ёки қуруқ ҳолда (таркибида цианид кислота) бўлади. Бир томчи цианид кислота одамни ўлдиради. У инсоннинг нафасини бўғиб, ўпка тўқималарини ҳалокатга олиб келади. Ёки тамаки тутунидаги қатрон канцероген моддаси ўпка ракини келтириб чиқаради. Шифокорлар чекувчиларда ўпка раки 15-20 фоиз кўп учраётганини ташвиш билан айтмоқдалар. Кейинги пайтда тамакининг янги зарарли хусусияти аниқланибди. Маълум бўлишича, тутун таркибида радиоактив моддалар — полоний ва висмут ҳам бор экан. Агар одам 40 дона сигарет чекса, ўз организмига меъёридагидан 10 марта кўп радиоактив моддани «едираркан». 1 дона папиросда 2 литр тутун пайдо бўлиб, унинг ҳар бир куб/см.да 6 мингга яқин зарарли заррача бўларкан.

Илмий-тадқиқотларга кўра, дунё аҳолиси орасида англиялик эркакларнинг 75 фоизи, аёлларнинг 50 фоизга яқини, АҚШда эса 25 ёшдаги эркакларнинг 60 фоизи, аёлларнинг 35 фоизи чекар экан.

Ўзбекистонда ҳам чекувчилар сони оз эмас, афсуски, уларнинг сони борган сари ошиб бормоқда. Янада ачинарлиси, бизда нос ҳам чекилади, у тил ости ракини келтириб чиқариши мумкин.

Руҳшуносларнинг аниқлашича, балоғат ёшига етмаганларнинг чекиши асосан ҳавас, оддий қизиқишдан бошланади. Ва катталарнинг «чексам миям яхши ишлайди» қабилидаги гапларини эшитиб, интилишлари янада кучаяди. Тўғри, сигарет чекканда аввалига мия қон томирлари бир оз кенгаяди, гўё янги куч пайдо бўлгандай туюлади. Лекин тамакининг бу хусусияти қисқа, бир неча дақиқадан кейин миянинг кенгайган қон томирлари кескин тораяди.

Кунига бир қути сигарет чекувчи кашанда унинг тутунида 125 мг. никотин, 40 гр. аммиак, 0,8-10 мг. цианид кислота, 0,5 литр тутун гази ва бошқа заҳарли моддалар борлигини билармикин? Чекувчиларда бора-бора эслаш, таъм сезиш, кўриш қобилияти пасайиб кетади. Шунингдек, кашандалар орасида атеросклероз, қон босимининг ошиши хасталиги кўп учрайди. Тутун таркибидаги никотин меъда ва ичаклар, жигар, ошқозон касалликларига олиб келади. Айниқса, кашандалик хотин-қизлардаги қалқонсимон без, буйрак усти бези фаолиятини бузади, ҳомиланинг ўлик туғилишига ёки аҳлан заиф бола дунёга келишига сабаб бўлади.

Яна бир ачинарли томони, чекувчи аёлдан туғилган боланинг вазни меъёрдагидан 150-200 грамм кам бўлиб, чақалоқ ўпка касалликларига чалинувчан бўлади. Шунингдек, кашанда хотин-қизларда бронхиал астма, мигрен, дерматит каби касаллар кўп учрайди.

Энди Ўзбекистондаги чекувчиларнинг аҳволини кузатайлик. Ҳозир эркакларнинг 49 фоизи ва аёлларимизнинг 9 фоизи чекади. Ташвишли томони шундаки, уларнинг 60 фоизи 24-28 ёшли эркаклар, аёллар 11 фоизни ташкил этади. 30-40 ёшлилар орасида эркакларнинг 53 фоизи ва хотин-қизларнинг 15 фоизи чекади. Бу рақамлар ҳар биримизни ташвишга солиши керак.

Чекишни қандай чегаралаш мумкин? Ҳозирги пайтда бутун дунёда, АҚШ, Канада, Олмония, Швеция, Норвегия каби ривожланган мамлакатларда жамоат жойларида, кинотеатр, ҳатто автобус бекатида ҳам чекиш ман этилган.

Баъзида, одамлар орасида чекишни ташлаш мумкинми, йўқми деган баҳс бошланиб қолади. Биров ташлаш мумкин, кимдир қийин, яна бири уларга чора кўриш керак, деб мулоҳаза билдиради. Бизнингча, ҳар бир инсоннинг кўнглида ўз соғлиғига масъуллик, яқинлари ва фарзандларининг сиҳат-саломатлигини асраш ҳисси уйғонса бас. Бизнинг аждодларимиз ўзининг ва ўзганинг жонига жабр қилишни гуноҳ санаган. Фақат баъзан лоқайдлигимиз туфайли бу ҳис-туйғуларимиз, қалб кўзимиз мудраб қолаётгандай...

Ҳозир шулар ҳақида ёзаяпману, қалбимни нимадир кемиряпти. Чунки юқоридаги рақамлар инсонни ўйлашга, Аллоҳ томонидан ўлчаб берилган ризқу-насиба, умрнинг қадрига етишга, тана ва руҳ саломатлигидай азиз неъматни асрашга ундаётгандай туюлади...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши, Ибн Сино Халқаро жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек туманидаги 64-сонли ўрта таълим мактаби ҳамда Акмал Икромов туманидаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида «Чекишнинг саломатликка зарари» мавзуида учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Н.Мақсудова соғлом турмуш тарзи асослари билан ўқувчи ёшларни яна бир бор таништириб ўтди.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Қ.Одиловнинг «Ибн Сино таълимотида ижтимоий-иқтисодий масалалар», Тошкент шаҳар наркология диспансери бош шифокори ўринбосари Л.Поповонинг «Чекишнинг саломатликка зарари», Акмал Икромов туманидаги 8-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Б.Одиловонинг «Ўткир юқумли касалликлар келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш тўғрисида»ги маърузалари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳар икки тадбир якунида анжуман иштирокчиларига чекишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳамда оқибатлари хусусидаги турли плакат, буклет ва бошқа қўлланмалар тарқатилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЕИ конституцияси тақдири нима бўлади?

Якшанба куни Францияда Европа Иттифоқи конституцияси лойиҳаси бўйича референдум ўтказилди.

Лойиҳа ўтган йили ЕИнинг 25 аъзо давлати аъзолари иштирокида тайёрланган эди.

Сайловчилар «Франция Европа Иттифоқининг конституциясини кучга киритадиган келишувни имзолаши керакми?», деган саволга жавоб беришлари лозим эди.

Бироқ Ички ишлар вазирлиги хабарига қараганда, Франция аҳолисининг 55 фоизи янги конституцияга қарши овоз беришган. Ҳукумат вакиллари референдумда 70 фоиз аҳоли қатнашгани ҳақида айтишмоқда.

Франция президенти Жак Ширак французлар хоҳишига қарши чиқмаслиги ва Франция ЕИ доирасида ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришини айтиб ўтди.

Конституция кучга кириши учун уни ЕИга киритувчи барча мамлакатлар тасдиқлаши керак эди.

Европа комиссияси президенти Жозе Мануэль Баррозу Франциядаги референдум натижалари ЕИ конституцияси тақдирини ҳал қилмаганини билдирди.

ЕИга 25 аъзо мамлакатдан тўққизтаси ўз парламентларида овоз бериш йўли билан янги келишувни имзолашди. Франция эса Испаниядан кейин бу масалани референдумга қўйган иккинчи мамлакат бўлди. Испания фуқаролари бу келишувни ёқлаб овоз бергач, мамлакат парламенти уни имзолади.

Франциядан кейин Европа конституцияси тақдирини Нидерландия ҳал қилади.

Янги конституцияга асосий ҳуқуқлар Хартияси ва ЕИнинг 450 миллион аҳолиси ҳаётига даҳлдор бўлган қарорларни қабул қилиш бўйича масала ва қоидалар рўйхати ҳам киради.

Референдумга тайёргарлик кўриш давомида Франция жамиятида конституция масаласи бўйича иккига бўлиниш кузатилди. Сўровномалар Европа Иттифоқи келажагига шубҳа билан қаровчи одамлар унинг келажагига ишонувчилардан кўра кўпроқ эканини аниқлаб беради. Шунинг учун бўлса керак, референдум натижалари кутилмаган ҳодиса сифатида қабул қилинмади.

Сайлов давом этади

Ливан пойтахти Байрутда парламент сайлови бўлиб ўтди. Бу сайлов тўрт ҳудудий босқичдан иборат бўлиб, кетма-кет тўрт якшанбада ўтказилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, ўлдирилган собиқ бош вазир Рафик Харирининг ўғли Саад Харири бошчилигидаги партия 19 округнинг тўққизтасида ғалаба қозонган.

Харири тарафдорлари парламентдаги қолган жойларни ҳам эгаллаб, ғалаба қозонганини айтишмоқда. Бироқ расмий маълумотлар ҳали тўлиқ эълон қилинганича йўқ.

Ливан парламентидаги 128 та жой мусулмон ва насронийлар орасида тенг иккига бўлинади.

Охирги 30 йил ичида биринчи марта сайлов Ливаннинг асосий қисмини назорат қилиб турган Сурия ҳарбий қўшинлари иштирокисиз ўтмоқда. Шу йилнинг февраль ойида Ливаннинг собиқ бош вазири ўлдирилди. Бу қотилликда Дамашқ алоқадор деб топилгач, Сурия қўшинлари олиб чиқиб кетилишини талаб қилувчилар тобора кўпайиб борди. Дамашқ эса бунга алоқаси йўқлигини таъкидламоқда. Сурияга қарши намойишлар кучайгач, шу йилнинг апрелида ҳарбий қўшинлар Ливандан олиб чиқилди.

Сайловолди кампанияси давомида мамлакат муаммолари бир четга сурилиб асосий эътибор турли гуруҳ ва жамоалар орасидаги сиёсий курашларга қаратилди.

Ливан фуқаролари бу сайловдан бошқа нарсани кутган эди. Бироқ сайлов Суриянинг кучли таъсиридан холи вазиятда ўтиб, янги сиёсий воқеликни белгиламоқда.

Кейинги якшанба куни сайловлар Ливаннинг жанубида бўлиб ўтади.

Бағдодда ҳарбий амалиёт

Бағдодда террорчиларнинг ўзини-ўзи портлатиб юбориши оқибатида 15 одам ҳалок бўлди. Шу куни Ироқда жангари жиноятчиларга қарши кенг кўламли ҳарбий амалиёт бошланганди.

«Чақмоқ» деб ном олган амалиёт доирасида Бағдод кўчаларида ҳарбийлар сони кўпайгани кузатилмоқда. Ҳокимият исёнчилар ҳаракатланишини чегаралаш учун Бағдод пойтахтини бир неча ҳудудга бўлиб юборишни кўзда тутган.

Молия-кредит тизими

«ҒАЛЛАБАНК» — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётгани маълум. Диёримизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий устувор ислоҳот йўналишларидан бири — кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланишига кенг йўл очишга қаратилган. Кичик бизнес субъектларининг мақсади — ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уни кенгайтириш, юзага келган кучли рақобат муҳитида барқарор ривожланиш ва бозорда ўз ўрнини эгаллаш ҳамда мавқеини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, тадбиркорлар билан банклар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида республика Марказий банкининг тегишли низомлари, йўриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган. Кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш учун уларга ҳар томонлама имкониятлар яратилган.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида айниқса, кичик бизнес субъектларининг ривожида тижорат банкларининг ўрни беқиёс. Кичик бизнес вакилларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ўсиб бормоқда. Жумладан, республикамизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг асосий мақсадларидан бири ҳам кичик бизнес субъектларини, деҳқон ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу нуқтаи назардан банк имтиёзли микрокредитлар беришда бошланғич сармояни шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтирмоқда.

«Ғаллабанк» кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва улар фаолиятининг янада самарали ташкил этилиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга интилаяпти. Чунончи, тадбиркорлар учун ажратилаётган кредитлар кўпроқ экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, аҳолига кенг турдаги пулли хизматларни йўлга қўйишга йўналтирилмоқда. Бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Ҳозир 17 140 та тадбиркорлик субъектига талаб даражасида банк хизматлари кўрсатилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида жами 2182,6 миллион сўмлик кредит 393 нафар мижозга ажратилди. Шундан 1 771,7 миллион сўм кредит маблағлари 277 та тадбиркорга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан эса 410,6 миллион сўмлик кредитлар 116 та тадбиркорлик субъектининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Шунингдек, «Ғаллабанк» тадбиркорларга қулайликлар яратиш ва замонавий банк хизмати турларини кўпайтириш мақсадида республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига зарур бўлган бошқа ускуналарни молиявий лизинг асосида фойдаланишга бермоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари 441,6 миллион сўмлик лизинг хизматини йўлга қўйган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, банк ўз фойдасидан белгиланган фоизлар миқдорларида ажратмалар қилиш йўли билан деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилишга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида «Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси»нинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг январь-апрель ойларида 238,9 миллион сўмлик имтиёзли асосларда кредитлар берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг талаб ва таклифлари эътиборга олинган ҳолда банк бўлимларида янги хизмат турлари ҳам ташкил қилинган. Шунингдек, банк ва мижозларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг ўрнатилишига эътибор қаратилган. Жумладан, банк ҳисоб варақлари очиш, кредит ва гаров шартномаларининг намунавий шакллари жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ғаллабанк» бундан буён ҳам мулкчиликнинг турли шаклида фаолият юритаётган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсатини янада изчил тарзда олиб боришни ўзининг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
РАТБ «Ғаллабанк»
Тадбиркорлик суъбектларини молиявий қўллаш ва мониторинг бошқармасининг мутахассиси

ЯНГИ СПОРТ МАРКАЗИ

«Ромитан» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар янги спорт кошонасига эга бўлдилар. Фойдаланилмай келинаётган эски клуб биноси 191-кўчма механизациялашган колонна жамоаси томонидан сифатли таъмирланди. Бунинг учун эса 450 миллион сўм сарфланди. Бадиий гимнастика марказидаги шинам манзарани кўрган киши ҳайратга тушиши аниқ. Ҳозир марказда 1-,2-,7-мактабларнинг ўқувчи қизларидан 25 нафари спортнинг ушбу тури билан шуғулланаяпти. Уларга Нозигул Тошпўлатова мураббийлик қиляпти.

(Ўз мухбиримиз)

«Ўзтрансгаз» АКга қарашли Капитал қурилиш бошқармаси (ККБ) бошлиғи Михаил Мамедов ҳақида достон ёзса бўлади. Тўғриси, бошқарма бошлиғини кўпчилик қўй оғзидан чўп олмайдиган инсон деб биларди. Янглишган экан. **Михаил Мамедов «Қотишма-М» давлат фирмаси ҳамда «Агросаноат» фирмасидан 719,2 миллион сўмлик кабель маҳсулотларини 22 баравар қиммат нархда сотиб олишга бекорга бош-қош бўлмагандир? Бу хатти-ҳаракати билан бошлиқ Капитал қурилиш бошқармасига оз эмас, кўп эмас 688.701.807 сўмлик зарар етказган.** Шундан сўнг Михаил Мамедовнинг фаолияти атрофлича ўрганилганда унинг «кенг фронт бўйлаб иш» қилгани маълум бўлди. Албатта, Михаил Мамедов билан ҳамкорликда «бизнес» қилган жуда кўп шериклари бўлган. Уюшган жиноий гуруҳда республика Молия вазирлиги «Ёқилғи энергетика мажмуининг молияси» бўлим бошлиғи ўринбосари Дилбар Каримова, бош иқтисодчилари Юнусжон Абдураҳмонов ва Анвар Мираимов, «РАПО» агросаноат фирмаси таъсисчиси Рустамбек Пармонов, ижрочи директори Ойбек Пармонов, Собир Раҳимов тумани молия бўлими мудири Бахтиёр Мираимов, «Кўҳинур» кичик хусусий корхонаси директори Алишер Шамсутдинов, «Нефтгазмеъёр« ОАЖ иқтисодий математик таҳлил ва ташҳислаш бўлим бошлиғи Зуҳриддин Хонбоев, «Тиббиёт техникаси ва технологияси» МЧЖ таъсисчилари Шавкат Эгамбердиев ва Артём Караханьян сингари яна ўнлаб шахслар «фаол» иш олиб боришган. Ўта чигал ва мураккаб бўлган жиноий ишнинг тафсилотларини ўрганиш, айбланувчиларнинг барча кирдикорларини аниқ далиллар билан исботлаш узоқ жараён ва машаққатли меҳнатни талаб қилди.

Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Михаил Мамедов таъбир жоиз бўлса фақат ўзининг чўнтаги учун ҳужжатларга имзо чеккан, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Дилбар Каримова унинг «бизнесдаги» энг яқин ҳамкори ва

олди-бердидаги воситачиси бўлган. Хўш, ўзи улар нима иш қилишган?

Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Михаил Мамедов ва «Кўҳинур» кичик хусусий корхонаси раҳбари Алишер Шамсутдиновлар кабель маҳсулотлари олди-сотдиси бўйича 300.550.000 сўмлик шартномани имзолайдилар. **Бунинг эвазига эса Михаил Мамедов Алишер Шамсутдиновдан 30.000.000 сўмни воситачилар орқали таъмагирлик йўли билан олади. ККБ бош ҳисобчиси Раъно Турдиева билан таъминот бўлими бошлиғи Шамз Ленву эса сохта ҳужжатлар тузишади. Натижада «Кўҳинур» КХК ҳисобидаги ҳақиқий баҳоси 33.633.917 сўмлик 64.000 метр кабелнинг нархи сунъий равишда 279.081.259 сўмга оширилиб расмийлаштирилади.** Ҳамма гап «Ўзбекнефтгаз» МХК бўлим бошлиғи Зуҳриддин Хонбоевда қолганди. Чунки сохта ҳужжатлар асосида ККБга расмийлаштирилган 279.081.259 сўмлик кабель маҳсулотлари тўловини мақсадли схема асосида амалга ошириш унинг қўлида эди-да. Дилбар Каримова орага тушиб, З.Хонбоевга «қуруқ қолмайсиз», дегандан кейин енг шимариб ишга киришади: Зуҳриддин Хонбоев Алишер Шамсутдинов бериб юборган 7.000 АҚШ долларини қуртдай санаб олиб тўловга имзо қўйиб юборди. Иш битди! Дилбар Каримова ғаразли ниятини давом эттириб, 279 миллион сўмни қалбаки ҳужжатлар билан «Кўҳинур» ҳисобидан «Тоштўқимачи» ОАЖга ўтказиб, у ердан ип-газлама олган. Сўнг ип-газламани сотиб юборади. Шу «операция»нинг ўзида Капитал қурилиш бошқармасининг 245.447.338 сўмлик маблағи талон-торож қилинган. Михаил Мамедов, Дилбар Каримова ва Алишер Шамсутдиновлар тил бириктириб навбатдаги қинғир ишга қўл урадилар. Бу гал 102.000.000 сўмлик кирза этиклар сотиб олиш учун ККБ билан «Кўҳинур» КХК ўртасида шартномани имзолайдилар. 31.968.000 сўмлик кирза этик нархини яна сунъий равишда 102 миллион сўмга оширишади. Пул ўтказиб бераётганлиги учун Михаил Мамедовга бу гал Алишер Шамсутдинов 7500 АҚШ доллари берган. Ишни охирига етказиш яна Зуҳриддин Хонбоев «зимма»сига тушди. ККБга расмийлаштирилган 102 миллион сўмлик тўловни мақсадли схема асосида амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун Алишер Шамсутдинов 3000 АҚШ долларини Зуҳриддин Хонбоевга хизмат ҳақи сифатида берган. Дилбар Каримова 102 миллион сўмни эски усул билан эски жойга — «Тоштўқимачи» ОАЖга ўтказиб юборади. Олинган ип-газлама маҳсулотларни сотиб юбориб, сотувдан тушган пулларни жиноий гуруҳ манфаатлари йўлида ишлатган. Оқибатда Капитал қурилиш бошқармаси 70 миллион сўмлик иқтисодий зарар кўрди.

Кўп ўтмай ҳамтовоқлар янада катта ишга қўл уради. Яна асосий «ролда» Михаил Мамедов, Дилбар Каримова, Алишер Шамсутдинов. Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Михаил Мамедов «кетса чўнтагимдан кетаётгани йўқ-ку, за то «соққа» ишлаб оламан», деган ҳеч иккиланмасдан 514.119.360 сўмлик шартномага рози бўлиши бекор эмас экан. У биргина имзога «Кўҳинур» КХК раҳбари Алишер Шамсутдиновдан 50.000.000 сўм «улуш» олган.

Михаил Мамедов бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари нафсларига эрк бериб юборади. Айниқса, «тиниб-тинчимас» Дилбар Каримова, Алишер Шамсутдиновларга қойил қолиш керак. **Улар «Ўзпартаъминот» ОАЖ директори З.Мейлиев билан 199.550.000 сўмга, «Тиббиёт техникаси ва технологияси» МЧЖ раиси Ш.Эгамбердиев билан 760.000.000 сўмлик ғайриқонуний шартномалар тузиб, ўтказилган маблағларни еб юборишган.**

«Ўзбекнефтгаз» МХК бўлим бошлиғи Зуҳриддин Хонбоев уларга «оқ фотиҳа» берган. ККБ бошлиғи Михаил Мамедов «РАПО» агросаноат фирмаси ижрочи директори Ойбек Пармоновнинг шартига дарров рози бўлди. Мамедов 604.141.150 сўм ўтказиб берадиган бўлди. Эвазига 60.000.000 сўмни воситачилар орқали олади. Бу хилдаги «операция»лар рўйхатини узоқ санаш мумкин. Ҳаммасида сохта ҳужжат, сохта шартнома, сунъий оширилган нархлар, ноқонуний даромад, ўзгалар мулкини катта миқдорда талон-торож қилиш, таъмагирлик. Шунинг учун ҳам гапни қисқа қилиб, фақат Дилбар Каримова ҳақида икки оғиз сўз айтсак. Сирлари фош бўлиб, текшириш бошлангач, Дилбар Каримова содир этилган жиноятларини яшириб, жавобгарликдан қутулиб қолиш учун сохта ҳужжат ва компьютер файлларидаги маълумотларни йўқ қилган. Шунингдек, у «Кўҳинур» кичик хусусий корхонаси ҳужжатларини ҳам изсиз йўқотиб юборган.

Юқорида баён этилган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. Натижада давлат ва жамиятга етказилган зарарнинг катта қисми айбдорлардан ундирилди. Қинғир ишга қўл урганлар эса қилмишларига яраша жазосини олдилар. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, сохта ҳужжатлар билан давлат ёки жамоа маблағини талон-торож этиш ҳеч қачон яхшилик билан тугамаган.

Пул, бойлик кетидан қувиб, беш бармоғини оғзига тиққан нияти ғараз, қилмиши қора кимсаларнинг борар манзили аниқ. Вақти-соати билан бирининг кетидан иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси ўргимчакнинг «тўри»га тушган пашшадек чорасиз қолишади, қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади. «Қаҳрамонларимиз» тақдири ҳам шундай бўлди.

Фахриддин МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, пойтахт вилоятида уюштирилган мусобақаларни кузатар эканмиз, бу сўзлар айни ҳақиқатни ифодалаганлигига гувоҳ бўлдик. Қатнашчилар бир-биридан чиройли ва кўркам, жаҳон андазалари асосида бунёд этилган спорт иншоотларида баҳс юритдилар. Гарчи улар майдонда ўзаро рақиб бўлишса-да, тенгдошларининг ҳурматини ҳам ўз ўрнига қўйишди. Учрашувларда қандай натижа қайд этилишидан қатъи назар баҳслардан сўнг биргаликда эсдаликка суратларга тушдилар. Турли вилоятлардан келган йигит-қизлар аҳил яшаб, янги дўстлар орттиришди.

— Мамлакатимиз ёшларининг энг нуфузли мусобақаларидан бири «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари машъаласини ёқишдек бахт менга насиб этганлигини ҳеч қачон унутмайман, — дея тўлқинланиб гапиради бокс бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, ўн тўққиз ёшли Илҳом Раҳимов (51 кг.). — Юртимиз ўғил-қизларининг ўз иқтидорларини намойиш этишида ўзига хос пиллапоя бўлган ушбу мусобақа бир умр хотирамда муҳрланиб қолади. Мен Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежида таҳсил олганман. «Баркамол авлод» мусобақалари арафасида коллежнинг таниб бўлмас даражада қайта бунёд этилганлиги ва улкан спорт марказига айлантирилганлигини кўриб ҳавасим келди. Бу ерда ёшлар учун яратилган қулайлик ва шароитларни кўриб, коллежда қайта ўқигим келиб кетди.

«Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари мазмунан бойиди. Бу йилдан бошлаб, мусобақаларга республикамиздаги Олимпия захиралари спорт коллежлари ўқувчиларининг ҳам қўшилганлиги учрашувлар савиясини оширди.

29 май. Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежи ўйингоҳи. Соат 17.00. Баграга ўн тўрт мингга яқин томошабинни сиғдирган стадион байрамона безатилган. Томошабинлар ҳаяжон ва кўтаринки кайфият билан мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросими бошланишини кутмоқда. Ниҳоят, тантанали шодиёнадан дарак берувчи мусиқа чалинади. Стадионни тўлдириб ўтирган ёшларнинг қувноқ қийқириқлари. Олқишлар остида ўйингоҳга кўксини медаллар шодаси безаган «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларининг ғолиб ва совриндор йигит-қизлари чиқиб келишади. Ранг-баранг гуллар билан безатилган майдонда мусобақа қатнашчилари саф тортгач, суҳандон кучли деб топилган жамоалар номини эълон қилади.

«Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларида умумжамоа ҳисобида **биринчи ўринни Андижон вилояти ёш спортчилари эгаллашди.** Ғолиб жамоа вакилларига **Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мусобақа қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси, биринчи даражали диплом ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси** калитини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов топширди. **Иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри ёш спортчилари II даражали диплом ва «Дамас» автомашинаси соҳиби бўлишди. Фахрли учинчи ўрин пойтахт вилояти вакилларига насиб этди. Улар учинчи даражали диплом ва «Дамас» автомашинаси билан мукофотланди.**

Мусобақа машъаласи оҳиста сўнади. Мезбонлар — Тошкент вилояти вакиллари «Баркамол авлод» спорт ўйинлари рамзий байроғини Қорақалпоғистон Республикаси ёшларига топширишди.

— Ушбу мусобақада вилоятимиздан жами 155 нафар ўғил-қиз иштирок этди, — дейди Андижон вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Фозилжон Асронов. — Мавжуд 75 та коллеж ва академик лицейларимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш яхши йўлга қўйилганлиги, энг муҳими, вилоятимизда иқтидорли ёшларни тарбиялашга катта эътибор берилаётганлиги туфайли бундай нуфузли мусобақадан қаторасига иккинчи мартаба ғолиб бўлиб қайтаяпмиз. Яқинда Андижонда юз берган мудҳиш воқеалар, айрим ғаламисларнинг разилликлари турли миш-мишлар кўпайишига сабаб бўлганди. Кези келганда айтиш керакки, ўғил-қизларимизнинг катта ғалабаси вилоятимизда ҳаёт ўз маромида давом этаётганлигини яна бир бор исботлаб берди. Спорт байрами якунида андижонликларнинг умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамғарганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳар бир куни олам-олам ҳаяжону шодликка тўлган бу спорт байрами мамлакатимизда баркамол авлод вояга етаётгани, бу авлод ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор намойиш этди. Бу гўзал байрам унинг қатнашчилари хотирасида бир умр сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

Спорт байрамининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ, М.АМИН (ЎзА) олган суратлар

Интер-спорт

«ЛИВЕРПУЛЬ» ЧЕМПИОНЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

УЕФА Президенти Леннарт Юханссон Европанинг нуфузли соврини соҳиби — Чемпионлар лигаси ғолиби Англиянинг «Ливерпуль» клуби янги мавсумда ўз шарафини ҳимоя қилиши керак, деб ҳисоблайди. «Ғолиб жамоанинг чемпионлик унвонини ҳимоя қилиши учун имкон бериш керак, — дейди УЕФА Президенти. — Бунинг учун биз зудлик билан кенгаш ўтказиб амалдаги тартиб-қоидага ўзгартиришлар киритишимиз лозим бўлади». Афтидан, УЕФА ижроқўми 17 июнь куни Манчестерда ўтказиладиган ўзининг навбатдаги мажлисида аниқ бир қарорга келадиганга ўхшайди. «Ливерпуль»нинг янги мавсумда Туркиянинг ҳозирча энг кам рейтингли «Фенербахча» футбол клуби ўрнида майдонга тушиши кутилмоқда.

Эслатамиз, «Ливерпуль» Чемпионлар лигаси ғолиби сифатида Москванинг ЦСКА клуби билан 26 август куни УЕФА суперкубоги учун учрашувда қатнашади.

ЮРАК ЗЎРИҚИШИ ОҚИБАТИДА...

Кейинги пайтларда Руминия жамоасида футболчиларнинг кутилмаганда жон бериши кузатилмоқда. Хусусан, 32 ёшли Алин Пайку ўйиннинг 17 дақиқасида йиқилиб тушган. Афсуски, стадион атрофида беморга тез хизмат кўрсатадиган марказ йўлга қўйилмаган экан. Футболчини тез ёрдам машинасида касалхонага олиб боришга тўғри келган. Лекин у йўлдаёқ юрак зўриқиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Таажжубки, кейинги 10 йил ичида бундай нохуш воқеалар тез-тез такрорланмоқда. 2000 йили учрашув пайтида «Астра Плоешти» жамоасининг футболчиси Штефан Врабиору кутилмаганда ўлиб қолган бўлса, яна 4 нафар футболчи ўйин ва машқ пайтларида ана шундай сирли ўлим топган.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 136-55-05
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 23.00.
Topshirish vaqti — 23.00.
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ҚАЛБИМИЗДА ЁНСА БАСДИР, ҚУЁШНИНГ БИР ПАРЧАСИ

ДУНЁНИ САҚЛАР БОЛАЛАР

Дунёда қанча-қанча,
қанча болалар
Дунёда анча-анча,
анча болалар
Уларда дук-дук, дук-дук,
урар юраклар
Уларда кўп-кўп, кўп-кўп
орзу-тилаклар.
Дунёни сақлар болалар
Ишончни оқлар болалар

Қувончни хоҳлар болалар
Тинчликни ёқлар болалар
Ранглари турли, турли,
турли болалар
Йўллари нурли, нурли,
нурли болалар
Орзуси мўлдир, мўлдир,
мўлдир, болалар
Бирлашса зўрдир, зўрдир,
зўрдир болалар.

ОНАЖОНЛАР, ОЙИЖОНЛАР

— Айтинг қачон нурга тўлар
Хонадону, хоналар?
— Остонадан қадам қўйса
Унга азиз оналар.
— Сафаргами, шаҳаргами
Олисласак бир қадам
Бизни дарров излаган ким?
Эслаган қайси одам?
— Бу аядир, бу ойидир
Бу бувидир, онадир
Боласи деб, лоласи деб
Онажонлар ёнадир.
Болажони истаганда
Ким қуёшга айланар?
Юрагидан тортилган ип
Боласига бойланар
Боласи деб, лоласи деб
Ким дунёни кезади?

Қоқилганин, йиқилганин
Кўрмаса ҳам сезади
Аяжонлар, онажонлар
Бувижонлар, оналар
Боласи деб, лоласи деб
Онажонлар ёнарлар.
Қани айтинг, қайси инсон
Бизлар учун суюкдир?
Хонлардан ҳам, беклардан ҳам
Шоҳлардан ҳам буюкдир.
Улуғвордир, беғубордир
У эришган мартаба
Такрорлайлик, такрорлайлик
Номин кўплаб мартаба
Ойижонлар, аяжонлар
Бувижонлар, оналар
Боласи деб, лоласи деб
Онажонлар ёнарлар.

ОЛАМ НАҚШИ

Чақмоқ чақди, чақинидан,
Чопарлардек чопдик биз.
Ёмғир ёғди ёғинидан,
Ёпинчиғлар ёпдик биз.
Соябоннинг четларидан,
Аста-секин бўйлаймиз.
Қуёш ҳақда, қуёш ҳақда,
Қуёш ҳақда ўйлаймиз.
Оймомодек, юлдузлардек,
Қуёш олам нақшидир.
Қуёшли кун, қуёшли кун,
Ҳамма кундан яхшидир,
Булутлардан қуёш бўйлар,
Сўзлар ташлаб қадамлар.
Қуёшлидир барча кун ҳам,
Бўлса яхши одамлар.
Қуёшли қалб, қуёшли қалб,
Ҳамма қалбдан яхшидир.
У инсоннинг, у замоннинг,
У жаҳоннинг нақшидир.
Қуёшлидир, қуёшлидир,
Кунларимиз барчаси.
Қалбимизда ёнса басдир,
Қуёшнинг бир парчаси.

Кавсар ТУРДИЕВА

«САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш» куни арафасида Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйида «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деб номланган хайрия тадбири уюштирилди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродулла Нормуродов, «Ўзагросуғурта» ДАСК вилоят бўлими директори Омон Хушмуродов, вилоят ўрмон хўжалиги раҳбари Маҳмуд Сафаров, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Турсунов ҳамда бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Қамаши тумани ҳокими Рашид Муҳаммадиев кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққан Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошмурод Тўлаганов, Беруний номли мактаб директори Валентина Баҳодирова, меҳрибонлик уйи директори Шарофат Шоймардонова ва бошқалар болаларга бўлган эътибор учун меҳмонларга миннатдорчилик билдирдилар.

Бугунги хайрия тадбири Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари жамиятнинг уларга бўлган меҳрини ҳис этиши учун яна бир мактаб бўлди. Ҳомийлар болаларга совға-саломлар топширишди. Тадбир ўтаётган пайтда республика Халқ таълими вазирлигидан хушхабар келди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун замонавий компьютер ажратиладиган бўлди.

Тадбир иштирокчилари шунингдек, 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида ғайриинсоний, ноқонуний ҳаракатларни тайёрлаган ва ижро этган, конституциявий тузум ҳамда инсонлар ҳаётига тажовуз қилган бир гуруҳ экстремист жангариларнинг қилмишларини кескин қораладилар.

Музаффар ТУРОБОВ

БУНДА БОР ҲАРОРАТ, МУҲАББАТ, ШАФҚАТ...

Турмуш гўзаллиги, оила қувончи, тотувлиги — фарзанд билан. Зеро, болали уйда кечган умр файзли, қадрли. Мабодо, оилада ногирон бола дунёга келса-чи? Бунда ота-онанинг кўзига дунё тор кўринмайдими? Ўша кўркам умр ҳам маъносиз бўлиб қолмайдими? Нораста бола эса парваришга, меҳр-шафқатга, муҳаббатга муҳтож. Ҳамма ота-она ҳам боладаги бу муҳтожликни қондира оладими?

Вобкентлик моҳир тарбиячи Махфират Атоева шу саволларнинг жавобини кўп ўйлайди. Айниқса, ўзи ишлаб келаётган Гулистон қишлоғидаги болалар боғчаси ҳувиллаб қолганида ўзини ёлғиз сезди.

— Ушанда бу ерда ногирон болаларга тарбия берувчи мактабгача таълим мажмуасини очиш ташаббуси билан чиқдим, — дейди Махфиратхон. — Чунки Фарғона водийсида худди шундай боғча фаолияти йўлга қўйилганини эшитгандим. Ўз кўзим билан кўриш мақсадида Қўқонда ҳам бўлганман. Ишқилиб, ҳокимлик мени қўллади, кетадиган харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилди. Тез орада ишни ҳам бошлаб юбордик.

Дарҳақиқат, «Вобкент» ширкат хўжалиги фермерлар уюшмасига айлантирилгач, 90 ўринли боғча биноси таъмирланиб, ногирон болаларга таълим-тарбия берадиган мажмуага айлантирилди. Ҳозир ушбу масканда кўнгли кемтик болалар тарбиячи-ўқитувчиларнинг меҳрибонликларидан баҳраманд бўлиб ўсишяпти. Улар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

— Боғчамизга асосан 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган туғма ногирон болалар қабул қилинади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Сулаймон Саноев. — Ҳисобкитобларга қараганда, туманда 32 нафар ана шундай бола бор. Шу пайтгача барча мактаб ёшидаги болаларнинг атиги 58 нафари уйда ўқитиб келинарди. Эндиликда ота-оналарнинг хоҳишини инобатга олиб, уларни мазкур мажмуага жалб этяпмиз.

Сирасини айтганда, боғчадаги шароитни кўриб дилдан қувондик. Хоналар болаларга мос безатилган, тоза кўрпа-тўшак, ҳар хил ўйинчоқлар билан тўлдирилган. 27 кишидан иборат жамоада тиббиёт ходимлари, ўқитувчи-тарбиячилар фаол хизмат қилиб келмоқда.

— Бизда ҳар хил даражадаги ногирон болалар тарбияланмоқда, — дейди мажмуа раҳбарининг ўринбосари Фахриддин Бобокалонов. — Уларга меҳр, парвариш ҳар нарсадан устун...

Суҳбатимизга мажмуа раҳбари Махфират Атоева қўшилди.

— Болалар фақат дам олиш кунларидагина ота-оналари бағрида бўлишади. Шу боис улар бизга боғланиб қолишган.

Бугун вилоятда ягона бўлган бу мажмуага ҳомийлик қилиш истагини билдираётганлар талайгина. Сиҳат-саломатлик йилида бошланган бу хайрли ишларнинг кўлами яна кенгаяди.

Даврон БАҲРОНОВ

Компания "СЕРТ Менеджмент"-
Официальный Партнер и Коммерческий Представитель
Сертификационного органа RW TÜV и TÜV Academy
И Компания СП «Global Consulting Network»

Приглашают на обучение:

«Руководителю о системе менеджмента в соответствии с ISO серии 9000. Новые возможности развития бизнеса»

Семинар состоится с 15 по 25 июля 2005 г. в г. Кемер (Турция).

За дополнительной информацией обращаться по:

Тел: 137-49-94
E-mail: gcn@st.uz

Тел: 152-76-71, 152-18-93
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz

GCN GLOBAL CONSULTING NETWORK RWTÜV TÜVAcademy TÜV NORD